O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 3 ноябрь, № 215 (4114) Жума

ИЛМУ МАЪРИФАТ ЗИЁСИ ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хива шаҳрида Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Хоразм — қадимий тамаддун бешикларидан бири, "Авесто"дек нодир ёдгорлик яратилган юрт. Илму урфон оламида довруғ қозонган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби алломалар вояга етган диёр. Хоразм — ўтмиши бой, келажаги мунаввар замин.

Истиқлол кўҳна Хоразм тарихида янги, юксалиш даврини бошлаб берди. Бутун мамлакатимизда бўлганидек, бу кўҳна диёрда ҳам мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ўзликни англаш, миллий ғурурни уйғотиш, халқимизнинг бой тарихи, улуғ алломалари, бетакрор мероси, асрий анъаналарини тиклаш ва тарғиб қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, "Авесто"нинг 2700 йиллиги, халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонлангани, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши ана шу хайрли ишлар сирасига киради.

Президент Ислом Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни, аввало, сиз, азиз мезбонларимиз — Хоразм аҳлини, бугунги маросимда иштирок этаётган хорижий меҳмонларимизни, жамоатчилик вакилларини, бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ ва унутилмас сана — Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун Хоразм Маъмун академиясининг шонли санаси ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, бутун дунёга юксак ном ва довруғ таратган бу илму фан ўчоғи айнан Хоразм воҳасида тузилгани, бунинг учун қандай замин, қандай шароит асос бўлгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак, айни муддао бўлур эди.

Башарият тарихи шуни кўрсатадики, халқлар ва жамиятлар ҳаётида цивилизация ва маданият ривожи ҳеч қачон ўз-ўзидан ва тасодифан пайдо бўлиб қолмайди.

Бу борада биринчи галда ҳар қандай тараққиётнинг асосий шарти бўлган объектив омил ва ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим. Айнан кўп йиллар давомида тўпланиб, вужудга келадиган қулай шароит ва вазият, шу заминда униб-ўсган истеъдодлар, турли соҳаларда олиб бориладиган чуқур изланишлар тадрижий ривожланиб, охир-оқибатда мана шундай мантиқий натижаларга олиб келиши табиийдир.

Бошқача айтганда, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг юксак чўққиларини эгаллашга ҳаракат қилиб, шу мақсад сари интилиб яшайдиган ҳар қайси миллат бу йўлда давомли ва машаққатли, ўзига хос тарихий ривожланиш босқичларидан албатта ўтиши зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Маъмун академиясининг айнан саховатли Хоразм заминида пайдо бўлишини ҳар томонлама объектив қонуний ҳолат деб қабул қилишимизга тўлиқ асос бор.

Тарих буни жуда яхши билади — бу бетакрор ўлкада жуда қадим замонлардан бошлаб ўтроқ турмуш тарзи, деҳқончилик ва суғориш тартиби, савдо ва ҳунармандчилик, маданият ва таълим юксак даражада ривож топгани барчамизга аён.

Жаҳон маданиятининг ноёб маънавий ёдгорлиги бўлган, одамзодни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этадиган "Авесто" китоби бундан 2700 йил олдин мана шу диёрда яратилгани, Шарқ гавҳари бўлмиш Хива шаҳрига ҳам бундан икки ярим минг йил аввал айнан шу ерда пойдевор солингани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Хоразм Маъмун академиясининг майдонга келиши, ҳеч шубҳасиз, айнан шу даврда бу минтақада кучли марказлашган давлатчилик тизимининг ҳукм сургани билан узвий боғлиқдир.

Хусусан, X асрнинг бошида пароканда ва тарқоқ Хоразм ўлкасини бирлаштириб, қудратли давлат барпо этган, ўзаро низо ва зиддиятларга барҳам бериб, тинч ва осойишта ҳаёт, ҳамжиҳатлик ва бунёдкорлик муҳитини қарор топтирган Маъмун хоразмшоҳларнинг маърифатпарварлик сиёсати мана шундай том маънода ноёб ва нуфузли илм-фан масканининг майдонга келишига мустаҳкам замин яратган.

Юқорида зикр этилган хулосани тасдиқлаш учун бундай тарихий ва мантиқий далил-исботларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бундан минг йил аввал Хоразм заминида "Дорул-ҳикма" деб аталган Хоразм Маъмун академиясининг пайдо бўлиши бу кўҳна воҳада нечанеча асрлар мобайнида кечган буюк тарихий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг қонуний ҳосиласи ва натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Хоразм Маъмун академияси умумбашарий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан қадимий Афинадаги Платон академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарқ оламида "Байтулҳикма" номи билан шуҳрат қозонган Бағдод академияси каби машҳур илмий марказлар билан бир қаторда туриб, Шарқ мусулмон Ренессанси — Уйғониш даврининг ёрқин намоёни сифатида тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ташкил этади.

Шу даврда айнан бизнинг юртимиздан Шарқ Ренессансининг мумтоз вакиллари — алгебра фани ва алгоритм тушунчасига асос солган буюк математик Муҳаммад Мусо Хоразмий, ер курраси шар шаклида эканини биринчилардан бўлиб исботлаб берган улуғ астроном ва географ Аҳмад Фарғоний, ҳадис илмининг султони сифатида бутун мусулмон оламида эътироф этилган Имом Бухорий ва Имом Термизий каби ўнлаб-юзлаб беназир алломалар етишиб чиқди.

Бу даҳо зотлар гарчи Хоразм Маъмун академиясида бевосита фаолият олиб бормаган бўлса-да, ўзининг буюк кашфиётлари, илмий жасорати, қолдирган бебаҳо мероси, кўплаб истеъдодли издошлари билан ушбу илм даргоҳининг вужудга келиши ва тараққий топишига билвосита таъсир кўрсатгани шубҳасиз.

Ўз таркибида юздан ортиқ машҳур алломалар, бир неча юз шогирдларни бирлаштирган, улкан кутубхона, истеъдодли ёшлар учун мадраса, таржимон ва хаттотлар мактаби каби тузилмалар, илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган Хоразм Маъмун академияси бугунги тушунчадаги Фанлар академияси талабларига тўла жавоб бериши билан ҳар томонлама эътиборга сазовор.

Хоразм Маъмун академиясида Шарқ ва Ғарбдаги кўплаб ўлкалардан келган, турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлса-да, унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби мана шу минтақада туғилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳар бири улкан бир илмий мактаб яратган бундай қомусий истеъдод соҳибларининг умумбашарий тафаккур ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида кўп гапириш мумкин.

Айниқса, Хоразм Маъмун академиясининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳар қандай инсонни ҳайратга солиши муқаррар.

Бу улуғ ватандошимиз математика ва астрономия, геодезия ва фармакология, кимё ва ботаника, география ва этнография, тарих ва фалсафа каби фан соҳаларида 150 дан зиёд асар яратиб, нафақат ўз даври, балки бугунги юксак технологиялар асри учун ҳам ғоятда қимматли кашфиётларни амалга оширганини барчамиз яхши биламиз.

Шу боис ҳам жаҳоннинг машҳур олимлари томонидан XI аср ҳақли равишда "Беруний асри" деб таърифланиши бежиз эмас.

Яна бир буюк аждодимиз — Берунийнинг устози, Хоразмнинг қадимий пойтахти Кот шаҳрида таваллуд топган Абу Наср ибн Ироқ математика ва астрономия соҳасидаги тенгсиз кашфиётлари билан "Иккинчи Птоломей" деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Хоразм Маъмун академиясининг таянч устунларидан бўлмиш, Шарқ оламида "Шайхур-раис", яъни алломаларнинг алломаси деб эътироф этилган Абу али Ибн Синонинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ҳам ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди.

Улуғ бобомизнинг бой мероси, унинг 400 дан ортиқ илмий кашфиётлари, айниқса, машҳур "Тиб қонунлари" асари 500 йил давомида Европа университетларида асосий дарслик сифатида қўлланганининг ўзи кўп нарсани англатади. Бу фундаментал асар бугунги кунда ҳам дунё табобат илмида ўзига хос қомус бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай мумтоз зотлар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, Хоразм Маъмун академиясининг довруғини олам узра тараннум этган ўнлаб беназир алломаларнинг мўътабар номлари илм-фан осмонида бамисоли Галактика бағридаги юлдузлардек то ҳануз ёрқин нур сочиб турибди.

Шуниси эътиборлики, ушбу фан маскани нисбатан қисқа давр — 15 йил фаолият кўрсатганига қарамасдан, ўзининг юксак нуфузи ва улкан салоҳияти билан нафақат минтақамиз, балки бутун дунёда илм-маърифат тараққиётига беқиёс даражада таъсир кўрсатганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Айниқса, донишманд аждодларимизнинг қадимги юнон, ҳинд ва хитой, форс ва араб халқларининг илмий ютуқларини чуқур ўрганиб, инсониятнинг тафаккур хазинасини янги-янги назарий ғоя ва амалий кашфиётлар билан бойитганини жаҳон илм аҳли яхши билади ва юксак қадрлайди.

"Дорул-ҳикма" алломалари томонидан яратилган бебаҳо бойликни лотин тили орқали Европа халқларига етказиш учун ўз даврида Ғарб мамлакатларида юзлаб таржимонлар заҳмат чеккани Хоразм Маъмун академиясининг ўша олис ўрта асрлар шароитида, бугунги кунда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлган турли цивилизациялар ўртасида мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қандай салмоқли ҳисса қўшганидан далолат беради.

Шу тариқа Хоразм Маъмун академияси олимлари Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос маънавий-маданий кўприк, умуминсоний қадрият ва маданиятлар силсиласида узвий бир ҳалқа вазифасини адо этган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

Давлатимиз раҳбари Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда инсоният тарихидаги илк академиялардан бири — Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш таклифини билдирган эди. 1997 йилнинг 11 ноябрида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

X асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хоразмдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий юксалиш, илм аҳлига ҳурмат-эътибор, меҳр-мурувват ўша даврнинг энг машҳур ва кўзга кўринган олимларини Гурганчда тўплади.

Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун тахтга ўтиргач, хоразмшоҳлар саройидаги илмий анъаналарни давом эттириб, олимларга алоҳида эътибор билан қаради ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Манбаларда Маъмун саройида олимларнинг катта гуруҳи тўпланганлиги ва хоразмшоҳ уларга ҳомийлик қилиб келгани эътироф этилади.

Маъмун академиясида фалакиёт, математика, табобат, кимё, жуғрофия, минералогия каби фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа, адабиёт, тил, фиқҳ каби ижтимоий фанлар ҳам ривожланган яхши маълум.

2004 йилнинг 9 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг кузида Хоразм вилоятига сафари чоғида Маъмун академиясига ҳам ташриф буюрди. Мазкур илм даргоҳининг ноёб тадқиқот марказига айланиши, унда минтақа муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий мактаблар шаклланиб, ривож топиши лозимлигини таъкидлади.

2005 йилнинг 1 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг "Хоразм Маъмун академияси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг 1000 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бугун ака-

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОНШУМУЛ АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан жаҳоннинг кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданий ва таълим марказлари вакилларидан табрикномалар келиши давом этмоқда.

Франция Фанлар академияси президенти Эдуард Брезин Ўзбекистонда нишонланаётган Хоразм Маъмун академияси юбилейи муносабати билан давлатимиз раҳбарига йўллаган табригида шундай ёзади:

— Франция Фанлар академияси номидан шахсан Сизга ҳамда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро конференциянинг барча иштирокчиларига самимий табрикларимни йўллаш ва юбилей тадбирларига муваффақият тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

Маъмун академияси бугун мен раҳбарлик қилаётган академиядан олти асрдан кўпроқ вақт илгари мавжуд бўлгани яхши маълум. Биз Европада илмий тафаккур юнонлар давридан кейин деярли тўхтаб қолган бир пайтда бугунги ўзбек заминида фан ва техника юксак ривож топганидан лол қоламиз.

(Давоми 2-бетда).

ЮНЕСКОНИНГ ҚУТЛОВ МАКТУБИ

ЮНЕСКО машҳур Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция ва юбилей тантаналари иштирокчиларини муборакбод этади.

Мазкур юбилейнинг нишонланиши маданиятларни ўзаро бойитишда, халқлар ўртасида янада яқин мулоқотни йўлга қўйишда, бутун дунёда тинчликни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маъмун академияси ташкил этилган илк кунларданоқ жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган дунёга машҳур олимлар, файласуфлар, математиклар, мунажжимлар ва мутафаккирларни ўзига жалб этди.

Академиянинг фаолияти аввало, Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, Абу Саҳл Масиҳий, аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро сингари кўплаб буюк алломалар номи билан узвий боғлиқдир. Улар ўз замонасининг етук олимлари билан ҳамкорликда муҳим тадқиқотларни амалга оширганлар.

Бу ерда Илм-фан музейининг очилиши эса ўзбек халқининг ўз тарихини ўрганиш борасидаги азму шижоатининг яна бир амалий ифодаси бўлиб, бу ёй маданий ва тарихий мероснинг асраб-авайланишини кафолатлайди.

Айниқса, дунёнинг энг қадим шаҳарларидан бири бўлган Хивада жойлашган Хоразм Маъмун академиясининг Марказий Осиё цивилизацияси ва маданияти тарихида тутган буюк ўрни ҳайратланарлидир.

Академия юбилейининг кенг миқёсда нишонланиши ушбу илм-фан даргоҳини келгуси авлодлар учун динлар, маданиятлар ва цивилизациялар мулоқотининг ёрқин намунаси сифатида сақлаб қолиш нечоғли муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Биз ушбу тадбирлар ЮНЕСКОнинг энг олий мақсадлари бўлмиш маданий ва диний тўсиқларни бартараф этиш, ўзида ранг-баранглик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мужассам этган бунёдкор ва тараққийпарвар ҳамжамиятни шакллантириш ишларига беқиёс ҳисса қўшади, деб қатъий ишонамиз.

ЮНЕСКО учун Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейидаги иштироки ҳамда 1995 йилда Ичон қалъанинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилиши бунинг яна бир ёрқин далилидир. ЮНЕСКО бундан буён ҳам ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверади.

ЮНЕСКО номидан конференция ва юбилей тантаналарининг барча иштирокчиларига муваффақиятлар тилаймиз.

Президент Ислом Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Афсуски, ана шу қадимий илм-фан марказида яратилган, ҳозирги кунда мамлакатимиз қўлёзма фондларида сақланаётган бетакрор илмий мерос ҳали-бери тўла ўрганилган эмас. Уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ҳозирги ва келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи керак.

Бугунги тантанали маросимда турли хорижий мамлакатлардан келган атоқли олимлар қатнашаётганидан фойдаланиб, аввало уларга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, уларни шу борада ўзаро илмий ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга даъват этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Биз истиқлол йилларида буюк боболаримизнинг шаъну шавкати, муборак номларини қайта тиклаш, уларнинг бой ва ноёб меросини ўрганиш, табаррук қадамжоларини обод қилиш бўйича қандай эзгу ишларни амалга ошираётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз.

Айни пайтда Хоразм Маъмун академияси фаолиятини қайтадан тиклаганимиз она заминимизда яшаб ўтган ана шундай минглаб аждодларимиз хотирасига қўйилган буюк ва муаззам ёдгорлик бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Албатта, ушбу навқирон илм маскани салкам ўн йиллик фаолияти мобайнида мамлакатимиздаги илмий-интеллектуал жараёнларга уйғун ҳолда, муҳим изланиш ва тадқиқот ишларини амалга ошираётгани барчамизни қувонтиради. Жумладан, Хоразмнинг қадимий тарихи, миллий давлатчилигимиз асослари, воҳанинг тарихий ва археологик ёдгорликлари, ўзига хос маданиятини ўрганиш, ушбу минтақадаги экологик ҳолат, ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалиги соҳасида маҳаллий иқлим шароитига мос навлар яратиш, алмашлаб экиш муаммолари билан боғлиқ кўплаб масалалар бўйича жиддий изланишлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.

Табиийки, келгусида бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш, илмий ишлар доирасини янада кенгайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Мен бу муҳим муаммоларни ҳал этишда Хоразм Маъмун академиясининг илмий жамоаси, катта салоҳиятга эга бўлган хоразмлик олимларимиз ўз билим ва тажрибаларини аямасдан меҳнат қилишига ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Биз қадимий тарих, бой илмий-маданий меросниг, улуғ алломаларнинг ворислари бўлганимиздан доимо фахрланиб яшаймиз. Шу билан бирга, бундай ворисийлик туйғуси ҳар биримизнинг зиммамизга ана шу аждодларга муносиб бўлишдек улкан масъулият юклашини ҳам чуқур англаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, буюк аждодларимиз меросига таянган ҳолда, ҳозирги замон ва тараққиётнинг янги ва юксак чўққиларини эгаллашга интилишимиз, ўзимизнинг нималарга, қандай улкан ишларга қодир эканимизни амалда намоён этишимиз, барчамиз, аввало, навқирон авлодимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен республикамиз олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларида Хоразм Маъмун академиясининг инсоният тарихида чуқур из қолдирган бебаҳо меросини ўрганиш бўйича факультатив дарс ва семинарлар киритишни ва бунинг учун Фанлар академиямиз томонидан керакли дастур тайёрлашни таклиф этмоқчиман.

Нега деганда, бой тарихимиз, қадимий илдизларимизни, бизнинг қандай буюк мерос соҳиблари эканимизни чуқур ўрганиш миллий ўзлигимизни англашга хизмат қилади. Ўзлигини англаган халқни эса ҳеч қандай куч енга олмайди ва бундай халқ ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Хоразм Маъмун академиясининг қутлуғ санасини бутун ўзбек халқи билан бирга нишонлаётган кўпни кўрган, меҳмондўст, мард ва танти Хоразм аҳли барчамизни ўз бағрига қабул қилмоқда.

Бу элнинг билим ва ҳаётга, маданият ва санъатга самимий иштиёқ ва чуқур интилиши бу заминни яқиндан биладиган ҳар қандай одамни ҳайратга солади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу халқнинг яна бир буюк аломати ва фазилати борки, мен бу ҳақда такрор-такрор гапиришдан чарчамайман. У ҳам бўлса, Хоразм аҳлининг ўз ерига меҳр-муҳаббати ва садоқатидир.

Қалбида, юрагида ана шундай хислат мужассам бўлгани учун ҳам бу эл "Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмнинг янтоғича кўринмас" деган эътиқод билан, ўз юртига доимо садоқат кўрсатиб яшайди.

Хоразм аҳли ўзининг ақлидроки, куч ва салоҳияти билан бу заминни қандай буюк мўъжизалар яратишга қодир эканини олис ва суронли тарихи давомида неча бор исботлаган ва бугун ҳам исботлаб келмоқда.

Бугун биз кўпроқ Хоразм Маъмун академияси ҳақида сўз юритмоқдамиз. Лекин, менга буюрса, мана шу воҳанинг жазирама иссиғи, изғирин шамоллари ва оғир тупроқ шароитига қарамасдан, йил ўн икки ой мардонавор меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштираётган заҳматкаш ва фидойи Хоразм халқи деҳқончилик илмининг ҳақиқий академиги, Хоразм замини эса ўзига хос академиядир, деган бўлардим.

Мана шу қувончли дақиқаларда бу йилги мавсумда астойдил жонбозлик кўрсатиб, 275 минг тонна пахта, 63 минг тоннадан зиёд ғалла тайёрлаб, шартнома режаларини муваффақиятли адо этган Хоразм воҳасининг қўли қадоқ, миришкор деҳқонларига, барча меҳнаткашларига, мен учун қадрли бўлган сиз, азиз ёшуллиларга чин қалбимдан ташаккур билдиришга ижозат этгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини муносиб баҳолаб, мана шундай тарихий саналарни халқаро миқёсда кенг нишонлаш масаласида қўллаб-қувватлаб келаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, чет эллардан ташриф буюрган ҳурматли олимларга, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйини ўтказиш муносабати билан қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширган қурувчи ва меъморларга; бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз юртдошларим!

Бу ҳаёт, бу умр бамисоли Амударё сувидек тез ва шиддат билан ўтиб кетар, лекин инсоннинг эзгу ишлари, эзгу хотираси боқий яшайди. Ишончим комилки, Хоразм Маъмун академияси алломалари бизга, башарият аҳлига қолдирган бой илмий мерос завол билмайди, ҳеч қачон ўзининг қиммати ва аҳамиятини йўқотмайди.

Буюк олимлар ва мутафаккир зотлар, азиз-авлиёлар ва енгилмас саркардаларга бешик бўлган муқаддас диёримиз уларнинг муносиб давомчилари бўлмиш бугунги авлод вакилларига ҳам куч-қувват ва қанот беради, халқимиз орасидан янги-янги хоразмийлар, берунийлар, ибн синоларни тарбиялаб вояга етказади.

Барчангизни бугунги улуғ айём билан яна бир бор қутлар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хайрли ишларингизда омад ва зафарлар тилайман.

Буюк аждодларимиз ёққан маърифат чироғи юртимизда доимо порлаб турсин!

Хоразм диёри, Хоразм эли ҳамиша омон бўлсин!

Ўзбекистонимизнинг шону шуҳрати янада зиёда бўлсин!

ИЛМУ МАЪРИФАТ ЗИЁСИ ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

демияда давлатимиз раҳбари ўртага қўйган долзарб вазифаларни бажариш учун барча шарт-шароит яратилган. Академия олимлари Юртбошимиз тавсия қилган ва Хоразм воҳаси учун муҳим саналган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, минераллашувни камайтириш ва тупроқнинг унумдорлигини ошириш, воҳанинг экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган илмий тавсиялар ва ишланмалар яратиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг шўрга чидамли навлари селекцияси ва районлаштирилиши, миллий давлатчилик тарихини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар лойиҳасини тайёрлади.

...Хива — қўҳна Хоразмнинг бебаҳо гавҳари. Амударё соҳилида жойлашган ушбу муаззам шаҳар ўзининг бой ўтмиши, нодир меъморий обидалари билан ажралиб туради. Хиванинг Ичан қалъа қисми 1990 йили Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Саид Аловиддин мақбараси, Паҳлавон Маҳмуд мажмуи, Қўҳна Арк, Оқшайхбобо қўшки, Муҳаммад Аминхон, Оллоқулихон, Исломхўжа, Қутлуғмурод иноқ мадрасалари каби тарихий ёдгорликлари, қўҳна дарвозалари билан дунёга машҳур Хива, мана неча асрларки, инсониятни ҳайратлантириб келади.

Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тадбирларида иштирок этган меҳмонлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари қўҳна Хива шаҳрининг бебаҳо дурдоналари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни ушбу юбилей муносабати билан Хоразмга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига сафари Республика ихтисослаштирилган урология марказининг янгидан бунёд этилган Урганч филиали билан танишувдан бошланди.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар Хоразм вилоятида ҳам ижобий самарасини бермоқда. Айниқса, ихтисослашган мутахассислик бўғинлари соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илғор тиббий технологияларни татбиқ қилиш, касалликларнинг юқори технологик диагностикаси, даволаш ва касалликлар олдини олишда аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондириш масалаларини ҳал этиш долзарб вазифалардандир.

Президентимиз замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган мазкур марказнинг операция хонасини кўздан кечирди. Бемор тақдири шифокорларга боғлиқ экан, уларнинг тажриба ва малакасини ошириш, хусусан, малакали анестезиологлар ва хирургия ҳамширалари тайёрлаш борасидаги ишларни изчил кучайтириш лозим.

Юртбошимиз Урганч шаҳри марказини қайта қуриш лойиҳаси билан ҳам танишди.

— Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Урганч шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани кишини қувонтиради, — деди Президентимиз. — Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси, "Авесто" боғи мажмуи шаҳар қиёфасига чирой бағишлаб турибди. Урганч янада чирой очмоқда. Аммо шаҳарнинг марказини, бош майдонни қайта кўриб чиқиш керак.

Президентимиз шаҳарда барпо этилажак янги майдон қурилиши борасида ўз тавсияларини берди.

Хоразм Маъмун академияси биноси олдида мазкур илм даргоҳининг 1000 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросим иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Хоразм аҳлини, бутун халқимизни Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи билан қутлади.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барри Лейн Ўзбекистон халқига мазкур нуфузли халқаро ташкилот Бош директори Коичиро Мацууранинг қутловини етказар экан, қадимий тамаддун бешикларидан бири — Маъмун академиясининг дунё цивилизациясида тутган ўрнига юксак баҳо берди. Тантана қатнашчилари бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни ўрганиш, ёшларни улуғ аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, асрий анъаналаримизни асраб-авайлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, илм-фанни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида гапириб, бу олижаноб ишларнинг барчасига бош-қош бўлаётган давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

...Юбилей арафасида академия замонавий жиҳозлар билан таъминланди, бир неча тадқиқот лабораториялари ташкил этилди. Физик-кимёвий тадқиқотлар лабораториясида ишга туширилган хроматограф тупроқ, сув ва ўсимликларнинг физик ва кимёвий хоссаларини ўрганиш, уларнинг таркибидаги микро ва макроэлементларни, масалан, пестицид, гербицид, бошқа заҳарли моддалар миқдорини аниқлаш имконини беради.

ДНК технологиялар лабораториясидаги янги ноёб ускуналар ёрдамида турли биологик материалларнинг генетик ва физиологик хоссаларини аниқлаш, шу жумладан, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонлар хасталиклари диагностикасини амалга ошириш, ҳолатини таҳлил қилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда академия ўз эксперименталь базасига эга бўлиб, ундан Урганч давлат университети, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент ахборот технологиялари университети филиалларининг олим ва талабалари ҳам унумли фойдаланмоқда. Термитлар тарқалишининг олдин олиш, тупроқшунослик, биологик фаол материалларнинг хоссаларини ўрганиш, ўсимлик бўёқларини олиш бўйича ўтказилаётган илмий тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Дунёнинг турли тадқиқот марказлари билан ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилгани академия олдида турган вазифаларни ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда. Франциянинг Сорбонна ва Жанубий Кореянинг Кёнхи университетлари билан тарих, археология, этнография, биотехнологиялар соҳалари бўйича илмий алоқалар ўрнатилган. Франция миллий кутубхонаси билан қадимги ва ноёб қўлёзмаларни ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Маъмун академиясида 16 минг 600 нусха китоб фондига эга бўлган бой илмий кутубхона ва замонавий ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатаётир. Бу ерда ташкил этилган музейда камёб экспонатлар ва осори-атиқалар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимизда кўплаб улуғ алломаларимиз, кўҳна шаҳарларимизнинг юбилейлари ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда. Маъмун академиясининг 1000 йиллиги ҳам ушбу нуфузли халқаро ташкилот иштирокида ўтмоқда. Халқимиз тафаккурининг дурдонаси бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларимизни асраб-авайлаш, уларни бойитиш, келгуси авлодларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли тарихимизнинг янги-янги қирралари тадқиқ этилмоқда.

Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи муносабати билан Хива шаҳрида кенг кўламли қурилиш ва одобонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўчалар таъмирланиб, кенгайтирилди. Айниқса, Амир Темур ва Нажмиддин Кубро шоҳкўчалари ўзгача чирой касб этди. Ўн километрлик ички суғориш тизимининг янгиланганги шаҳар экологиясини яхшилашда катта аҳамият касб этади.

Шаҳардаги марказий стадион таъмирдан чиқарилиб, томошабинлар учун ҳам, спортчилар учун ҳам барча шароитлар яратилди. Замонавий дренаж тизими билан жиҳозланган футбол майдонида ҳар қандай об-ҳавода мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд.

Хоразм Маъмун академияси биноси қайтадан реконструкция қилинди. Унинг олдида хиёбон, рангин фавворалар барпо этилди.

Энг муҳими, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги шарофати билан табаррук заминимизда яшаб ўтган улуғ алломалар, мўътабар зотлар хотирасини яна бир бор ёдга олдик, уларнинг ўлмас даҳоси олдида таъзим бажо этдик. Бундай тадбирлар ёш авлодни Ватанга, ўз халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Темур ШАМАКОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Абдувоҳид ТУРАЕВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

"Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни" мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб кўҳна Ичон қалъа ёдгорлик мажмуида ўтказилган ушбу анжуманда мамлакатимиз ҳамда Россия, Германия, Франция, Швейцария, Бельгия, Япония, Эрон, Ҳиндистон, Малайзия, Миср каби ўндан зиёд давлатдан етакчи олим ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда йигирмадан зиёд маъруза тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барри Лейн юртимизда истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан инсоният тафаккури дурдонаси бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларимизни асраб-авайлаш, ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Кўҳна тамаддун бешикларидан бири Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда нишонланаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Тарих фанлари доктори А.Аҳмедовнинг "XI аср биринчи ярмида Хоразмнинг Марказий Осиё, Яқин Шарқ тарихи, фани ва маданияти ривожидаги роли", франциялик доктор Марк Баннелнинг "Хоразм Маъмун академиясининг бағрикенглик ва маданий муносабатлардаги ўрни", япон профессори Тору Хорикаванинг "Хива хонлиги қозилик ҳужжатларини ўрганиш бўйича Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги халқаро лойиҳа ҳақида", германиялик профессор Ханс Дайбернинг "Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун даврида Хоразмдаги илмий алоқалар ва маданият" каби мавзулардаги маърузалари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Қадимий ва бой тарихи, қўҳна маданияти, дунё тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк сиймолари билан ҳақли равишда фахрланадиган Ўзбекистон заминида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

В.ЛУҚМОНОВ,
Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбирлари.

ЖАҲОНШУМУЛ АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ишонамизки, бу ажойиб юбилей барча ҳамюртларингизга илҳом бағишлаб, мамлакатингизнинг ёш ва ёрқин истеъдод эгаларини ўз аждодларининг шонли анъаналарини бойитиш йўлида сафарбар қилади. Зотан, башариятнинг эзгу мақсадлари ҳам айнан шундан иборатдир.

Яна шунга аминмизки, миллий анъаналаридан қатъи назар, курраи заминдаги барча халқларнинг ўзаро мулоқот ўрнатиши, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни йўлга қўйишида фан муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон бугунги тантаналар орқали фан ва техниканинг роли ва истиқболини янада юксак даражага кўтаришига ишончимиз комил.

Мен халқаро миқёсда ўтаётган юбилей тантаналарининг барча иштирокчиларига хайрли ишларида катта ютуқлар тилайман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати, Бош вазирнинг собиқ ўринбосари Ким Жин Пё ўз мактубида давлатимиз раҳбарини Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан қутлайди ва мазкур илм-фан марказининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди:

— Сиз, Жаноби Олийларини ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон Республикаси халқини шонли тарихий сана — Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Ажойиб мамлакатингизнинг шонли тарихи муҳим воқеаларга бой ва уларга кўп давлатлар ҳавас қилса арзийди. Шулардан бири қадим Хоразмда Маъмун академиясининг ташкил этилишидир. У нафақат сизнинг мамлакатингиз алломалари, балки инсоният цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган Яқин ва Ўрта Шарқ олимлари учун ҳам илмий ғоялар марказига айланган эди.

Ҳозирги қудратли давлатларнинг айримлари ҳали жаҳон харитасидан жой олмаган кезларда бугунги Ўзбекистон ҳудудида табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланувчи илмий ҳамжамият мавжуд бўлганлигининг ўзи ҳайратланарли ҳолдир. Бу ўринда Хоразм Маъмун академиясининг асосчиларидан бири, машҳур қомусий олим Абу Райҳон Беруний эслашнинг ўзи кифоя.

Бугунги Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий меросини асраш, ўзбек халқининг кўп асрлик маънавий анъаналаридан мамлакат миллий манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш борасида Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган сиёсат эҳтиром ва ҳайратимизни янада ошириши шубҳасиздир.

Сизнинг меҳмондўст мамлакатингизга икки марта бориш бахтига муяссар бўлганман ва ўзбек халқи ўз тарихий меросини асраб-авайлашга нечоғли катта эътибор беришига ишонч ҳосил қилганман. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари ҳам бунинг ёрқин далили бўлиб, дунё илмий жамоатчилиги учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Мен Сизнинг халқингизнинг шиорига айланган, "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деган сўзларингизни кўп эшитганман. Бой тарихий меросга эга ўзбек халқи вақтинчалик қийинчиликларга қарамай тез орада фаровон, иқтисодий ривожланган давлат қуришига қатъий ишонаман.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш тарафдори эканимни яна бир бор изҳор этишга, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, дўст ўзбек халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Россия тиббиёт фанлари академияси президенти, Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази директори, РФА ва РТФА академиги, профессор М.Давидов инсоният тарихидаги илк илмий академиялардан бири — Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи аҳамиятини таъкидлар экан, бундай ёзади:

— Бу юбилей ҳақиқатан ҳам жаҳоншумул аҳамиятга эга. 1004-1017 йилларда жаҳон цивилизацияси бешикларидан бўлмиш қадим ўзбек заминида ташкил этилган Маъмун академияси Шарқнинг маънавият ва маърифат марказига айланган эди.

"Байтул-ҳикма" деб номланган ушбу академия ўша даврнинг илғор мутафаккирларини бирлаштирди. Ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил, адабиёт, биология ва бошқа кўплаб фанлар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган, араб, ҳинд ва юнон мутафаккирларининг асарлари ўрганилган. Маъмун академияси Беруний, ал-Хоразмий ва бугунги ўзбек заминининг шон-шуҳратини бутун дунёга ёйган бошқа буюк алломалар асос солган илмий анъаналарнинг муносиб давомчиси ҳисобланади.

Тиб илми вакили сифатида бу ишга дунёда Авиценна номи билан машҳур Абу Али ибн Синонинг қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим деб ўйлайман. У кўп асрлар аввал инсониятнинг бу соҳадаги билим ва тажрибаси ривожини белгилаб берди. Бугун ҳам бутун дунё олимлари ва шифокорлари унинг ўз аҳамиятини йўқотмаган боқий асарларини ўрганмоқда.

Ажойиб юбилей муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига мустақил Ўзбекистонда қайта тикланган буюк илм ўчоғи — Маъмун академиясининг илмий ва маърифий анъаналарини янада ривожлантириш йўлида муваффақиятлар тилайман.

Дунё нигоҳи

Вячеслав ПОХВАЛЬСКИЙ, Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

Биз бугун асрлар ўртасидаги сил-силанинг барҳаётлигига гувоҳ бўлдик. XI асрдаги қадрият бутун ҳужжатлари билан тикланди.

Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р.Сулейменов номидаги Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори М.Абусеитованинг Қозоғистон олимлари номидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга йўллаган мактубида бундай сатрлар бор:

— Хоразм Маъмун академияси жаҳон цивилизацияси тарихида ёрқин из қолдирган ва муносиб ўрин эгаллаган илм даргоҳидир. Бу қутлуғ маскан дунёга Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби даҳоларни етиштириб берди, минтақада табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ривожланишига кенг йўл очди, халқлар ва давлатлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Халқларимизнинг минг йиллардан буён давом этиб келаётган тарихий муштараклиги Марказий Осиё тараққиётида муҳим омил ҳисобланади. Бугун ҳам ана шу анъана ҳозирги Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қозоғистон Республикаси Шарқшунослик институти олимлари Марказий Осиё халқлари маданий меросини ўрганиш соҳасида фаол иш олиб бормоқда ва бу борада Ўзбекистон илмий муассасалари ва тадқиқотчилари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Шарқшунослик институти ва бугунги Хоразм Маъмун академияси ўртасида қабул қилинган ҳамкорликка оид шартнома бундай илмий фаолиятнинг яққол далилидир.

Сизнинг Хоразм Маъмун академиясига кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлигингиз шонли илмий анъаналарни тиклаш, маданият, замонавий илм-фан ва технологияларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бутун башарият тараққиётига инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган маданият ва фаннинг салоҳиятига таянган ҳолдагина эришиш мумкинлигига ишончимиз комил.

Мисрдаги Араб университетлари иттифоқи бош котиби Солиҳ Ҳошим давлатимиз раҳбарига йўллаган ўз табригида мазкур Академиянинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган мислсиз ўрнини, бундай таърифлайди:

— Сизнинг ташаббусингиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашингиз туфайли қайта тикланган мазкур илмий-тарихий марказ ўтмиш ва келажак ўртасида, жумладан, Бағдод Маъмун академияси ва Хоразм Маъмун академияси ўртасидаги робитадир. Хоразм Маъмун академияси — Ўзбекистонда фан, маданият ва таълимга кўрсатилаётган улкан эътиборнинг яққол далили, 1000 йиллик юбилейнинг кенг нишонланиши эса унинг оламшумул аҳамияти эътирофидир.

Мусулмон дунёси ўзбек халқининг маданий-тарихий мероси билан ҳақли равишда фахрланади, Маъмун академияси эса бунда алоҳида ўрин тутади.

Президент Ислом Каримов номига табриклар келиши давом этмоқда.

(ЎзА — "Жаҳон").

ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУХОРОДА

Бухоро шаҳрида Германия Федератив Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайер раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирокида Ўзбекистон — Германия бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов бошқарган анжуманда иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди. Бугунги кунда Бухорода Германия сармояси иштирокида тузилган қўшма корхоналар асосан озиқ-овқат саноати соҳасида фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Табиий ресурсларга бой ва йирик хомашё захираларига эга вилоятда иқтисодиётнинг қарийб барча соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари катта.

Анжуманда ГФР Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Виттер, Немис иқтисодиёти шарқий қўмитаси раиси К.Мангольд Ўзбекистоннинг сайёҳлик, транспорт, тиббиёт, телекоммуникация, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларига сармоя киритиш икки мамлакат учун ҳам бирдек манфаатли эканини таъкидладилар. Германиялик меҳмонлар хусусийлаштириш жараёнига ҳам қизиқиш билдириб, аниқ мақсадли лойиҳалар ишлаб чиқиш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Форум доирасида айрим тармоқлар вакилларининг "Сименс", "Фресенис Медикал", "Принц медиен" каби компаниялар билан ҳамкорлик режалари муҳокама қилинди.

— Биз пахта толасидан экспортбоп калава ишлаб чиқаряпмиз, — дейди "Пешкутекс" Ўзбекистон — Беларусь қўшма корхонаси директори Ш.Омонов. — Немис ҳамкорларимизни калавадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклифимиз билан таништирдик. Таклиф уларга маъқул келди.

Бухорога ташриф асносида Германия делегацияси аъзолари қадимий шаҳримизнинг машҳур обидалари билан ҳам танишдилар.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.



Хўжайли толаси — хорижга

Қорақалпоғистон Республикасидаги «Хўжайли тола» акциядорлик жамияти жорий йилда туман хўжаликларидан салкам 24 минг тонна «оқ олтин»ни қабул қилиб олди.

Айни кунларда янги ҳосил пешма-пеш қайта ишланиб, сифатли тола Германия ва Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Турсунбой Қайтбергенов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси ҳудудий филиаллари бошланғич баҳоси боскичма-боскич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган қуйидаги автомототранспорт ва кўчмас мулклар қўйилади:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САВДО МАЙДОНЧАСИ

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган «ISSA AGRO IMPEKS» шўъба корхонасига қарашли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қушёғоч» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 8 та чорвачилик бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2006 йил 28, 30 ноябрь, 5, 7, 12, 14, 19, 21, 26, 28 декабрь кунлари соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси биноси мажлислар залида ўтказилади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

1. Фарғона вилояти суд департаменти томонидан хатланган «ХМКК-509» МЧЖга қарашли, Сўх тумани, Девайрон қишлоғида жойлашган икки қаватли бино иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 21 618 501 сўм.

2. Фарғона вилояти суд департаменти томонидан хатланган «Даймлер-Крайслер-220» русумли, давлат рақамисиз, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати соз бўлган автомототранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 32 079 039 сўм.

Қизиқиш билдирган иштирокчилар Фарғона шаҳар, Комилов кўчаси, 19-уйдаги омборда сақланаётган ушбу автомототранспорт воситасини кўриш имкониятига эга.

Аукцион савдолари РКМБ Фарғона вилояти филиалида 2006 йил 30 ноябрь, 5, 7, 12, 14, 19, 21, 26, 28 декабрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

1. Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган «Термиз-НОН» МЧЖга қарашли, Термиз шаҳар, Бобохўжаев кўчаси, 3-уйда жойлашган 3 қаватли маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 74 847 526 сўм.

2. Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган «Семурғ-Шерзод» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига қарашли, Термиз шаҳар, А.Навоий кўчасида жойлашган 2 қаватли «Супермаркет» комплекс биноси.

Бошланғич баҳоси — 211 858 876 сўм.

Аукцион савдолари РКМБ Сурхондарё вилояти филиалида 2006 йил 5, 7, 12, 14, 19, 21, 26, 28 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО МАЙДОНЧАСИ

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган «Азия Лат» ҚК МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар, Лисунов кўчаси, 17-уйда жойлашган умумий ер майдони 1513 кв.метрда жойлашган кўчмас мулк бино ва иншоотлари ҳамда мол-мулклари.

1. Блок-А, умумий майдони 660,60 кв.м. бўлган, 1986 йилда қурилган, бир қаватли савдо дўкони, гриль-бар биноси ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 64 960 000 сўм.

2. Бино ичида жойлашган йиғма музлатгич камераси КХС-2-12Ю.

Бошланғич баҳоси — 25 580 000 сўм.

3. ППЦТ-38 ярим тиркама цистерна, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ.

Бошланғич баҳоси — 65 153 500 сўм.

Аукцион савдолари 2006 йил 5, 7, 12, 14, 19, 21, 26, 28 декабрь кунлари соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси биноси мажлислар залида ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин, соат 18.00гача қабул қилинади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини

РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончасининг қуйидаги:
х/р: 20210000500571452057, МФО: 00425,
АТИБ «Ипотекабанк»
Шайхонтоҳур филиалида, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
РКМБ Фарғона вилоят филиалининг қуйидаги:
х/р: 20210000700571452023, МФО 00497,
«Халқ банки» Фарғона шаҳар бўлими ҳисоб рақамига;
РКМБ Сурхондарё вилоят филиалининг қуйидаги:
х/р: 20210000700571452053, МФО 00981,
ХЕАТБ «Термиз Давр банк»,
ИНН 200477303 ҳисоб рақамига;
РКМБ Тошкент шаҳар савдо майдончасининг қуйидаги:
х/р: 20210000700571452062, МФО 00425,
АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалида,
ИНН 200933850 ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Ариза топшириш ва қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:

РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончаси манзили:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.
Маълумот учун телефонлар: 133-28-52, 133-49-31.
РКМБ Фарғона вилояти филиали манзили:
Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 35-уй,
«Биржа маркази».
Маълумот учун телефонлар: код 8-(373) 24-68-70,
24-68-72.
РКМБ Сурхондарё вилояти филиали манзили:
Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 6-хона.
Маълумот учун телефон/факс: код 8-(376) 227-25-49.
РКМБ Тошкент шаҳар савдо майдончаси манзили:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Маълумот учун телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.

Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия DB 001 №000004



МУКАММАЛЛИК — ОДДИЙЛИКДА

МТС-абонентлари учун:

- Халқаро роуминг хизмати Германияда (Vodafone D2) ва Сьерра-Леонеда (Comium) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 7 янги база станциялари Тошкент (Авангард), Бухоро (Ғиждувон), Самарқанд (Самарқанд, Чилстун), Жиззах (Бахмалсой), Навоий (Қизилтепа), Сурхондарё (Омонхона) вилоятларида ишга туширилди.

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.

www.mts.uz

ОРТИҚЧАСИНИ ТАШЛАНГ! КЕРАГИНИ ОЛИНГ!
1 - 3 ЎРИНГА - УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАР
ВИКТОРИНАНИ ТЕЛЕФОНИНГИЗ МЕНЮСИДА ИЗЛАНГ
MTS-PLUS • SIM-CAFE • RAZVLECHENIYA • ERUDIT • VOPROS
Батафсил маълумот www.mts.uz ва www.plus.uz сайтларида

МТС

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)



Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,

замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ХУСУСИЙ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Зарафшон шаҳрида «Aquarius» хусусий корхонаси иш бошлади.

Бу ерда Конимех туманидаги «Қуллиқтау» булоғининг шифобахш ва маъданли суви қайта ишланиб, сотувга чиқарилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, кумуш, кремний, бор, фтор сингари моддаларга бой ушбу маъданли сув инсон организмини турли бактериялардан ҳимоя қилади, танадаги модда алмашинувини яхшилайди.

Замонавий технология билан жиҳозланган янги корхонада ўттизга яқин киши меҳнат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича такроран танлов эълон қилади:

1. Кармана тумани, «Жалоир» ш/хда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 540 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши (калити билан). *Бошланғич нархи — 1545,0 млн.сўм.*
2. Навоий шаҳрида тиббиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 200 ўринли ётоқхона қурилиши (калити билан). *Бошланғич нархи — 505,0 млн.сўм.*

Объектларни фойдаланишга топшириш муддати — 2007 йил 1 август.

Буюртмачи — Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Тел./факс: 224-08-81.
Молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

«Навоий шаҳридаги 280 ўринли болалар боғчаси биносини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси биносига қайта қуриш». *Қурилиш муддати — 3 ой.*

Буюртмачи — Навоий вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси. Қурилиш ишларини молиялаштириш вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КАРМАНА ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

«Навоий вилояти Кармана тумани ҳокимлиги биносини капитал таъмирлаш ва фаоллар зали биносининг қурилиши». *Қурилиш муддати — 5 ой.*

Буюртмачи — Навоий вилояти Кармана тумани ҳокимлиги. Қурилиш ишларини молиялаштириш туман бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу объектларга талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва уларга сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — ***Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: (436) 225-53-85.***

Ҳужжатлар бир тўплами (комплект)нинг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Дилдаги гаплар

Театр — ҳар қандай даврда ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмай келаётган маънавий ҳаёт кўзгуси саналади. Шунинг учун бўлса керак, ўтмиш файласуфлари театрни "Катта ёшдаги кишилар мактаби" деб аташган. Театрда роль ижро этишда катта масъулият талаб қилинади. Чунки бадиий фильмдаги образ бир марта тасвирга туширилса, саҳнада битта роль йиллаб ўйналади. Ҳар гал ҳар хил вазиятда қайта-қайта роль ижро этиш мобайнида актёрнинг иқтидори томошабин кўз ўнгида кафтдек намоён бўлади.

Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров ҳақида гап кетганда ҳам унинг катта салоҳият ва қобилият соҳиби эканлиги эътироф этилади. У киши, мана, қирқ йилдирки, турли образлар орқали томошабин олдига чиқиб, маънавий "имтиҳон" топшириб келмоқда. Бу дунёда фақатгина эзгуликнинг умри абадий эканлигига қаттиқ ишонадиган севимли санъаткоримиз билан муҳташам даргоҳ — Ўзбек миллий академик драма театрида учрашдик.

Санъаткор — ибрат тимсоли

Эътибор ва имконият

— Дастлаб уйдагиларнинг хоҳиши билан халқ хўжалиги институтига ўқишга кирганман, — дейди актёр. — Аммо азбароғи санъатга бўлган қизиқишим туфайли бу даргоҳни иккинчи курсда тарк этиб, театр ва рассомлик институтига ўқишга кирдим. Курсдошларимиз билан улуғ устозлар сингари катта-катта ролларни ижро этишни дилимизга тугиб қўйган эдик. Орзуга айб йўқ, ўтган йиллар давомида катта-кичик ролларни баҳоликудрат ижро этдим. Аммо мен бу ўринда шуни айтмоқчиманки, истиқлол биз, санъаткорлар зиммасига катта вазифалар қўйди. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли театримиз биноси қайта қад ростлади.

Бу бежиз эмас. Халқимиз санъат аҳлини яхши кўради, қадрлайди. Ҳар қандай ҳолатда севимли санъаткорига эргашади. Унинг ролидан таъсирланади, ҳаётий хулоса чиқаради. Демак, биз ҳукуматимизнинг эътиборини ва мухлислар ишончини оқлаш учун бир тану бир жон бўлиб саҳна асарларини яратишимиз зарур. Миллий истиқлол ғояси, уни ёшлар онгига сингдириш ҳақида кўп гапирамиз. Бу ҳаётий ғояни нафақат ёшлар, шу билан бирга катта ёшдагилар қалбига жо этишда саҳна асарларининг аҳамияти беқиёс, деб биламан. Таълим-тарбияда оиланинг, мактабнинг таъсири қанчалик катта кучга эга бўлса, театрнинг ҳам мавқеи ундан кам эмас. Бугунги томошабин учун маънавий, фалсафий ва тарихий асарлар ниҳоятда зарур. Енгил-елпи, ҳангомабоп асарлар ҳам қўйилаётгани бор гап. Томоша залларида зиёлиларни кам кўраяпмиз. Чунки, бугун қўшиқчиликда ҳам, адабиётда ҳам, театр ва кинода ҳам самимиятдан йироқлик вужудга келдики, оқибатда уларнинг мухлислари ҳам ўзига яраша. Мен бундай ҳолатни кўпикка ўхшатаман. Ўйлайманки, буларнинг бари ўткинчи. Ана шундай қусурларга барҳам бериш ниятида эса, агар эътибор қилган бўлсангиз, кейинги пайтларда, театримиз саҳнасида маърифий асарларга кенг ўрин берилаяпти.

«Дунёнинг ишлари»

— Аксарият кишилар мени "Дунёнинг ишлари"даги қаҳрамоним орқали танишади. Мен бундан хурсандман. Асарда онасини вақтида қадрламай, у ўтиб кетгач изтироб чеккан фарзанднинг ҳолати юксак бадиийлик билан ёритилган. Тўғрисини айтганда, унда кўпчилигимизга хос қусур — яқинларимизга нисбатан лоқайдлик, оқибатсизлик тасвирланган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" деб номланган ушбу қиссаси суратга олинадиган бўлди. Асар қаҳрамонининг онаси қабри олдида бир лавҳани олишимиз лозим эди. Биз маслаҳатлашиб, муаллифнинг онаси қабрига бордик. Суратга олиш бошлангач, кўзимга ёш қўйилиб келди. Биринчи уринишдаёқ роль муваффақиятли чиққан эди. Иш тугагач, Ўткир Ҳошимов мени қучоқлаб, табриклади-да: "Бировнинг онасига ҳам шунчалик йиғлашингизни кутмагандим" деб ҳазиллашди. Аслида эса актёр ҳар қандай вазиятда ўз ишини маҳорат билан бажармаса образ ишончли чиқмайди. Ўша куни ўз ишимдан мамнун бўлиб, уйга қайтдим. Афсуски, хурсандчилигим узоққа чўзилмади. Режиссёримиз эртасига телефон қилиб: "Келинг, кечаги лавҳани қайтадан оламиз, оператор сизнинг ҳолатингизни тасвирга туширолмапти", деди. Илож йўқ, яна суратга олишга кетдик. Лекин, бу галги уриниш кўнгилдагидек чиқмади, наздимда. Нима бўлганда ҳам ундабунда таниш-нотанишларнинг ушбу ролим ҳақидаги илиқ фикрларини эшитганимда кўнглим шодланади. Бу кувонч ролимнинг муваффақиятидан эмас, балки одамларнинг асар воқеаларидан таъсирланишганидандир. Модомики, ҳар қандай бадиий асарнинг мақсади кишиларни эзгуликка чорлаш экан, "Дунёнинг ишлари" видеофильми орқали қисман шунга эришган бўлсак, катта гап!

Умрнинг олтмишинчи довони

— Ҳар бир одам ғанимат, ҳамма нарса омонат. Ушбу ўлмас ҳақиқатдан тўғри хулоса чиқаришимиз лозим. Олаётган ҳар бир нафасимизда шукронани унутмаслигимиз керак. Севимли касбим сабаб, кўплаб юртларда бўлдим. Турфа миллат ва элат вакиллари билан суҳбатлашдим. Аммо дилимдаги иқрор шуки, Ўзбекистондай файзли юртни, ўзбек халқидек самимий миллатни кўрмадим. Яратган бизга тинч-осуда юртни, феъл-атворимизга бағрикенгликни, дастурхонимизга файзу баракотни ато этгани рост бўлсин! Умрнинг олтмишинчи довонида турибман. Ният қиламанки, энг аввало, Ватанимиз гуллаб-яшнасин. Вақтинчалик муаммолар олдида довдираб қолмай, эртанги фаровон турмуш учун курашиш барча-барчамизга насиб этсин!

Хулоса

Отахон театримизнинг забардаст актёри икки соатдан ортиқ давом этган суҳбат чоғида кўплаб шеърлар, ижро этган ролларидан монологлар ўқиди. Уларнинг ҳар бири таъсирли, кўнгилга яқин эди. Суҳбат якунида у кишидан: "Санъаткор ва мухлис муносабати қандай бўлиши керак?" деб сўрадим. "Томошабин билан актёр орасида яхши маънода парда бўлиши лозим. Гарчи бугун кўплаб актёрларимиз тўйларга чиқаётган бўлсада, мен барибир уларнинг ўзларини тутиб юришларини хоҳлардим. Чунки оддий томошабин учун севимли санъаткори сирли кўринган-дагина унга интилади, ундан ибрат олишга ҳаракат қилади. Кўча-куйда, ресторан, барларда санъат вакилининг бақир-чақир қилиб, қийқириб улфатчилик қилишини тасаввур қилолмайман!", деди у.

Бу ибратли жавоб. Қуйидаги шеър эса айни фикрларга ҳамоҳанг:

Тубан кишилар
суҳбатидин ўзни
йироқ тут,
Қачон бўлубдур алар
сўзи ила бир иш бут.
Саидкомил, сен ҳам ишда
сўзингга амал эт,
Демасин аҳёру дўст:
"Ўзида ҳам йўқ субут".

"Халқ сўзи" мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ШХК "KOSMO MED ELEKTRONIKS" таклиф этади: Товар сертификатланган

ЭМАЛЛАНГАН СИМ ПЭТВ-2 электродвигателларни таъмирлаш учун Ø 0,355-1,60.

ЭЛЕКТРОТОВАРЛАР (Россияда ишлаб чиқарилган)

Тел.: 360-37-62 Тел./ф 360-47-65.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ



2007 ЙИЛ УЧУН ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ҚИЁСЛАШИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗАДИ.

ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗИШ МУДДАТИ — 2007 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15. E-mail: metrolog@sarkor.uz

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2006 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН, ТЎЛОВ МАЖБУРИЯТЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМАГАН ВА МИЖОЗЛАР АЙБИ БИЛАН БАЖАРИЛМАГАН ШАРТНОМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2006 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ кредитор қарзлари 2007 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15. E-mail: metrolog@sarkor.uz

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕККЎМИР» ОАЖ

ЭКСКАВАТОР ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРИНИ

СОТИБ ОЛИШГА ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2006 йил 4 декабрь Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун даъвогарлар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75-уй. Телефонлар: 68-25-51, 138-53-42. Факс: 68-75-96.

BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11 факс 134-49-58

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари мажмуаси «Ўзавтосаноат» компанияси бошқаруви раиси

Қудрат Раҳматович ПАРПИЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси қўмита раиси Ботир Раҳматович Парпиевга укаси

Қудрат Раҳматович ПАРПИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

(т) - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.45 Топширилди — 02.30 12345